

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА МУБОРАК БЕКҚУЛОВНА

**ИШЕМИК ИНСУЛЬТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТРАНЗИТОР-
ИШЕМИК АТАКАЛАРНИНГ ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.13 –Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)

Абдуллаева Муборак Беккуловна

Ишемик инсультнинг ривожланишида транзитор-ишемик
атакаларнинг прогностик ахамияти.....3

Абдуллаева Муборак Беккуловна

Прогностическая значимость транзиторно-ишемических атак
в развитии ишемического инсульта27

Abdullayeva Muborak Bekkulovna

Prognostic value of transient ischemic attacks in developing
ischemic stroke49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА МУБОРАК БЕКҚУЛОВНА

**ИШЕМИК ИНСУЛЬТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТРАНЗИТОР-
ИШЕМИК АТАКАЛАРНИНГ ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.13 –Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib641 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Маджидова Ёкутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Аббосова Гавҳар Бегалиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Азизова Раъно Баходировна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Ульяновск Давлат Университети (Россия
Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро тиббиёт институти хузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «27» октябрь куни соат 12-30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Бухоро шаҳри, А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2020 йил «12» октябрь куни тарқатилди.
(2020 йил 12 октябрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signatures]

Д.Т.Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, DSc

С.С.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

Г.А.Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, DSc

КИРИШ (фалсафа (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда неврологик касалликлар орасида цереброваскуляр касалликлар, жумладан, бош мия қон айланиши ўткир бузилиши даракчи касалликлари- транзитор ишемик атакалар энг эътибор талаб этувчи патологиялардан бири бўлиб ҳисобланади. Транзитор ишемик атакалар (ТИА), ўткир мия қон томир касалликлари-инсультни чакирувчи омилларидан бўлиб, мия қон-томир касалликлари (МҚТК) таркибида муҳим ўрин эгаллайди. ТИАнинг ташхислашнинг мураккаблиги, биринчи навбатда, касаллик белгиларининг қисқа муддат сақланиши билан боғлиқ. Ишемик инсульт ёки ТИА клиник натижалари «...артериялар қон томирлар калибри, бош мия артерияларида қон оқими бузилиш даражаси, коллатерал қон айланиш ҳолати ва қоннинг реологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, биринчи йилда 50% дан ортиқ, биринчи ойда 20% дан 50 % беморларда кейинги 5 йилда нафақат инсульт, балки миокард инфарктдан ўлимга олиб келиш хавфи кузатилади...»¹. ТИАга учраган беморларни кузатишда вақтинчалик ишемик хуружнинг ярми коронар юрак касаллиги фонида юзага келади, кўпчилик беморларда артериал гипертензия ва 10-20% беморларда қандли диабет касаллиги кузатилади...»². Ушбу муаммоларни ҳал қилиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ишемик инсультларнинг ривожланишида транзитор ишемик атакаларнинг прогностик аҳамиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қон-томир ҳавзаси ва этиологик омилларга, транзитор ишемик хуружлар ва ТИА дан кейинги ишемик инсультнинг клиник ва неврологик хусусиятларини ҳамда томир коморбид омилларининг транзитор ишемик хуружлар кечишига таъсирини ва кейинги инсульт ривожланишида хавфли омилларни аҳамиятини асослашдан иборат. Траскраниал доплерография натижалари асосида бош мия гемодинамикаси параметрларини транзитор ишемик хуружлар ва хуруждан кейин ривожланган ишемик инсульт бўлган беморларда ультратовуш доплерографик текшируви бўйича бош мия асосий артериялари ҳолатини баҳолаш ва транзитор ишемик хуружлар билан хасталанган беморларда даволашни самарадорлигини ошириш ва инсультни олдини олиш масалаларини ишлаб чиқиш бўйича хасталик олдини олишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, қатор соматик касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва самарали даволашга қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг

¹Зарецкий А.П., Митягин К.С. Анализ изменений гемодинамической активности сосудов головного мозга при транзиторных ишемических хуруж //В сборнике: Современное программирование материалы I Междунар. научно-практ. конференции. 2018. С.116-118.

²Суслина З.А., Танашян М.М. Антиагрегантная терапия при ишемических цереброваскулярных заболеваниях. Пособие для практикующих врачей. 2003; 40 с.

самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолининг турли қатламлари орасида асаб-руҳий тизим касалликлари ва соматик касалликларни камайтириш, аҳоли орасида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали бош мия қон айланиш тизими бузилиши натижасидаги ишемик касалликлар асоратлари натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 30 августдаги ПҚ – 3925-сонли «Аҳоли учун неврологик ёрдам яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касалликнинг олдини олиш мезонларни ишлаб чиқиш кўп йиллар давомида тадқиқотчиларни жалб қилди. Risk scores for transient ischemic attack (2017) тадқиқотчилари, ТИА эпизодидан кейин такрорий ишемик инсульт хавфи 5-10% ва индекс ҳодисасидан кейинги биринчи кунларда айниқса ортади, деб таъкидлайди (European Stroke Initiative recommendations for stroke management, 2015). Шубҳасиз, барча тадқиқотлар ТИА инсульт билан бир қаторда мия учун «томир фалокати» деб тасдиқлаш ва беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун фавқулодда чора-тадбирлар тезкор ўтказишни талаб қилади (Sanders, L.M., Srikanth, V., Blacker, D., Jolley, D., Cooper, K.A., & Phan, T.G., 2012; King A., 2011; Patrono C., 2010; Левин О. С., Бриль Е.В. 2016; Зарецкий А.П., Митягин К.С. 2018; Кондыбаева А.М., Дуцанова Г.А., Кужибаева К.К., 2016). Шу каби бошланғич клиник белгиларга эга бўлган касалликлар билан ТИА белгиларини қиёсий ташхислашга катта аҳамият берилмоқда

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

(Парфенов В.А., Алферова, Белкин А.А., 2017). Илмий ишда Н. Т. Шварцбург (2005) ТИА нинг беморларда инсулт ривожланишида «машқ» ўрнини тадқиқ қилди. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу тадқиқотлар натижалари жуда зиддиятли. ТИА эпизодларидан кейин инсулт хавфи кўплаб эпидемиологик тадқиқотларда исботланган, бу ТИА билан оғриган беморларда ўйИИ ривожланишини олдини олиш учун шошилиш чоралар кўришни талаб қилади ТИА (Ласков В.Б., Гафуров Б.Г., 2019; Стулин И.Д., Мусин Р.С., Ахатова З.А., 2017, Шмонин А.А., Вербицкая Е.В., Мельникова Е.В., 2014). Клиник тадқиқотлар натижаларини тизимли кўриб чиқишда антиагрегант терапиясининг самарадорлиги ҳақида аниқ далиллар мавжуд, бу эса жиддий қон томир эпизодлари хавфини тахминан 25% га камайтиради. J-STARS (2012) тадқиқоти паст дозали правостатин терапияси олдинги ишемик инсулт билан оғриган беморларда атеротромботик инфаркт ҳолатларини камайтиради деб таъкидлайди. SPARCL (2008) тадқиқоти қайталанувчи инсултни олдини олиш учун юқори доза аторвостатин қўлланилишини тавсия этди ва АНА/ASA (2009) атеросклероз сабабли ТИА келиб чиқиши ва инсултли беморлар учун статин билан даволаш тавсия этди. 24 соат давом этадиган ТИА билан беморларда инсулт хавфи эрта омилларини аниқлаш учун ABC кўрсаткичи ишлаб чиқилди (прогностик омиллар учун, ёши, қон босими, клиник белгилари, аломатлар давомийлиги кўрсаткичларни бирлаштиради) (Johnston S.C., Rjthwell P.M., Nguyen-Nuynh M.N., 2007). Ишонч истикболли эди, шунинг учун кўшимча ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилди, бу эса ушбу тизимларни синовдан ўтказиш ёки уларни такомиллаштиришга қаратилган кўплаб тадқиқотларга олиб келди (масалан, ABCD (2), ABCD (2) I, ABCD (3), ABCD (3) I, Модель CIP, ASPIRE, ABCDE +) (Chardoli M., Giles M.F., 2011; Appelros P., 2017; Chu, T., Yu, W., Wang, Y., Guo, N., He, J., Shao, Y., Mang, J., & Xu, Z., 2015).

Ўзбекистонда инсултдан кейинги деменцияларнинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш масалалари очиб берилган (Ходжаева Д.Т., 2019), бош мия жароҳатларида церебрал ва экстрацеребрал танатогенез (Машарипов, 2020), бироқ, ишемик инсултларнинг ривожланишида транзитор ишемик атакларнинг прогностик аҳамиятини қўлланилишини асослашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган.

Биз ўрганган адабиётлар асосида транзитор ишемик ҳуружларнинг клиника ва инсултга олиб келишдаги прогностик қиймати етарлича ўрганилмаганлиги ва бу соҳадаги турли тадқиқотлар натижалари бир-бирига зид эканлиги ҳақида хулосага келдик. Шу муносабат билан, биз транзитор ишемик ҳуружлар билан хасталанган беморларда, инсултни олдини олиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш аҳамияти бўйича тадқиқот ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот

Тошкент давлат стоматология тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011500211 «Бош мия қон-томир тизим касалликларини даволаш ва реабилитациясини ташхислашни оптималлаштириш» (2014-2018 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ишемик инсультларнинг ривожланишида транзитор ишемик атакаларнинг прогностик аҳамиятини баҳолашда бирламчи касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қон-томир ҳавзаси ва этиологик омилларга, транзитор ишемик ҳуружлар ва ТИА дан кейинги ишемик инсультнинг клиник ва неврологик хусусиятларини баҳолаш;

томир коморбид омилларининг транзитор ишемик ҳуружлар кечишига таъсирини ва кейинги инсульт ривожланишида хавфини баҳолаш;

траскраниал доплерография натижалари асосида бош мия гемодинамикаси параметрларини транзитор ишемик ҳуружлар ва ҳуруждан кейин ривожланган ишемик инсульт бўлган беморларда УЗДГ БЦС бўйича бош мия асосий артериялари ҳолатини баҳолаш;

транзитор ишемик ҳуружлар билан хасталанган беморларда даволашни самарадорлигини ошириш ва инсультни олдини олиш масалаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида транзитор ишемик ҳуружлар эпизодлари мавжуд 114 нафар беморлар олинган. Улардан транзитор ишемик ҳуружлар билан хасталанган 80 нафар бемор ва транзитор ишемик ҳуружлардан кейин ишемик инсульт билан хасталанган 34 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон намуналари ва беморларнинг қон зардобиди, қизил қон ҳужайраларда нитрат оксид ва унинг алмашинувини тартибга солувчи ферментлар фаолиятига кўра эндотелиал фаолиятининг ҳолати, ва клиник, нейровизуализация, бош мия қон томирлари ультратовуш тадқиқотлари, хусусан экстракраниал доплерография натижаларининг таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда клиник-неврологик, нейровизуализацион, ультратовуш, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қон-томирларнинг коморбидли аломатлари, атеросклероз, назоратсиз артериал гипертония, қандли диабет каби транзитор ишемик атакаларни оғирлаштирувчи омиллари, органик симптоматикасини сақлаган ҳолда зарарланган қон томир соҳасини тасдиқловчи клиник транзитор ишемик атакаларнинг бир соатдан кунлик давомийлилик хусусиятлари очиб берилган;

транзитор ишемик атакалардан кейин ривожланган ишемик инсульт билан хасталанган беморларда бош мия гемодинамикасининг бузилиши натижасида ривожланадиган ўчоқли белгилар инсультнинг ривожланиш таҳликасида миянинг вазомтор қаршилиқ хусусиятларига боғлиқлиги исботланган;

транзитор ишемик атакаларнинг клиник кечиши, транзитор ишемик атакалардан кейинги ишемик инсультлар ривожланишида бир ойлик транзитор ишемик атакалар нисбатан олти ойдан кейинги атакаларда қондаги нитрат оксид кўрсаткичларининг кореляцион боғлиқлиги исботланган;

ишемик инсультни олдини олишда қон-томирларнинг коморбидли аломатлари, атеросклероз, назоратсиз артериал гипертония, қандли диабет каби транзитор ишемик ҳуружларни оғирлаштирувчи омилларини бирламчи профилактик давосини ҳуруждан кейинги биринчи олти ойлигида амалга оширишнинг самарали терапевтик чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қон томирлари коморбидлик омилларининг транзитор ишемик ҳуружларнинг клиник кечишига таъсирини баҳоланган;

транзитор ишемик ҳуружлар натижасида ишемик инсультни ривожланишини башорат қилиш имконини берган;

Бош мия гемодинамикаси хусусиятлари ва транзитор ишемик ҳуружлар билан хасталанган беморларда аниқланган қоннинг реологик хусусиятларининг ўзгариши юқори даражали ва самарали даволанишга имкон берган;

инсультлар даволаш стандартларига мувофиқ транзитор ишемик ҳуружларда ташхислаш ва даволашнинг тавсия этилган усуллари, айниқса биринчи 6 ой ичида, ишемик инсульт ривожланишига тўсқинлик қилишда янада самарали касалликни олдини олиш жиҳатлари эканлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллар асосида ишемик инсультларнинг ривожланишида транзитор ишемик ҳуружларнинг прогностик аҳамиятининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг назарий аҳамияти транзитор ишемик ҳуружлар мултидисциплинар муаммо ҳисобланиб, кенг спектрли ва қисқа муддатли клиник кўринишларга эга, унинг патогенези асосида клиник, нейрофизиологик, гемодинамик ва преморбид касалликлар орасидаги боғлиқлик баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти транзитор ишемик ҳуружлар билан хасталанган беморларни оқилона йўл билан олиб бориш тактикаси инсултни олдини олишнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Қон-томир коморбидлиги омилларини ва миянинг гемодинамик ўзига хос хусусиятларини баҳолаш транзитор ишемик ҳуружлар билан хасталанган беморлар орасида инсултнинг кейинги ривожланиши учун хавф гуруҳини аниқлашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишемик инсултларнинг ривожланишида транзитор ишемик атакларнинг прогностик аҳамиятини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Транзитор ишемик ҳуружларнинг башоратлаш масалаларнинг клиник-неврологик хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 07 октябрдаги 8н-д/206-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ишемик инсултларнинг ривожланишида транзитор ишемик ҳуружларнинг прогностик аҳамиятини, ишемик инсулт ривожланиши ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган ва касаллик ривожланишни эрта олдини олиш имконини берган;

«Транзитор ишемик атакларнинг ишемик инсултларнинг ривожланишдаги прогностик аҳамияти» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-з/82-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ишемик инсулт келиб чиқиши, ҳуружларнинг давомийлиги ва тарқалиши даражасини баҳолаш имконини берган;

Ишемик инсултларнинг ривожланишида транзитор ишемик атакларнинг прогностик аҳамияти асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг реабилитология бўлими ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий маркази ва Тошкент шаҳар 5-сон клиник шифохонаси клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-з/82-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши қон томирлардаги коморбид омиллар, атеросклероз, гипертония, қандли диабет ва юракнинг ишемик касалликларни ривожланиши азот оксиди миқдори ошишига, эндотелиал дисфункцияни ривожланишига ҳисса қўшиши ва ТИА ҳуружларининг сони ва давомийлиги боғлиқ когнитив бузилишларни олдини олиш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Инсултнинг ривожланишида транзитор ишемик атакаларнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида ТИА ташхиси, ривожланиш этиопатогенези асосларини ўз ичига олган, транзитор ишемик атакалар (ТИА) муаммосига интеграциялашган ёндошув бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт манбалари ўрганилди, клиник ва функционал хусусиятлар, инсултнинг кейинги ривожланишидаги ТИАнинг аҳамияти тўғрисидаги замонавий фикрлар, киёсий ташхиснинг замонавий усуллари ва терапевтик ёндашувлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Ишемик инсултларнинг ривожланишида транзитор ишемик атакаларнинг ўрнини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида мақсад ва вазифаларга мувофиқ илмий тадқиқот ишнинг режаси ишлаб чиқилди, ўрганиш объекти ва замонавий услублар тўплами танланди. Белгиланган илмий мақсад ва вазифаларни ҳал қилиш учун илмий тадқиқот ишларимизда ТМА 3 клиникасининг неврологик бўлимида даволанган турли хил бош мия қон-томир касалликлар билан хасталанган 114 нафар беморни ўрганиш натижалари келтирилган. Улардан биринчи гуруҳи (асосий) – ТИА хуружи билан хасталанган 80 бемор ва иккинчи гуруҳ (таққослаш) - ТИАдан кейин ишемик инсулт билан хасталанган 34 нафар бемор олинган. Жинс бўйича тақсимланганда биз эркекларнинг сони 59 та (51,7%), аёллар 55 та (48,2%) аниқладик. Беморларнинг ўртача ёши $59,8 \pm 10,9$ ни ташкил этди. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ТИАхуружи билан ТИАдан кейин ишемик инсулт билан хасталанган беморларнинг энг катта гуруҳини

кекса одамлар ташкил этган (53,8%), ўрта ёшли беморларнинг улуши 34,1%, кекса ёшдагилар - 12,1%.

Шуни таъкидлаш жоизки, ишемик инсулт гуруҳнинг барча беморлари инсултнинг ўткир ва эрта тикланиш даврида бўлган. Тадқиқот усуллари клиник ва неврологик тадқиқотларни, умумий клиник усулларни: соматик статусни аниқлаш, қон ва сийдикни умумий таҳлилини ўз ичига олади. Биокимёвий тадқиқотлар орасида қон коагулограммаси, қондаги азот оксиди ва қонда липидлар миқдори ўрганилди. Инструментал усулларга брахиоцефал томирларнинг (БСА) ультратовушли доплерографияси, транскраниал доплерография (ТСД), бош миянинг магнит-резонанс томография (МРТ), бош миянинг компьютер томографияси (КТ) киради. Тадқиқот маълумотларини таҳлил қилиш учун тадқиқотнинг статистик усуллари (компьютер дастурлари ёрдамида) ишлатилган. ТИА ва ТИАдан кейин инсултга чалинган беморларда когнитив бузилишларни эътироф этиш учун MMSE (Mini-Mental State Examination) рухий ҳолатини баҳолаш шкаласи ёрдамида батафсил нейропсихологик текширув ўтказилди. ТИА билан оғриган беморларда инсулт ривожланиш хавфи ABCD2 шкаласи ёрдамида баҳоланди.

Бош мия гемодинамикаси ва МАГ ҳолатини ўрганишда «SONICAID» (Англия) фирмасининг «VASOSCAN» аппаратида ультратовушли доплерография ёрдамида 14, 10 ва 6 мм диаметрли 2,4,8 Мгц сенсорлар ёрдамида текширув амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш вариацион статистиканинг стандарт усулларидадан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Агар берилган мезон (синов) учун олинган p қиймати танқидий аҳамиятлилиқ $p=0,05$ даражасидан паст бўлса, тафовутлар муҳим деб ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Транзитор ишемик атакаларнинг клиник-неврологик ва анамнестик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилган. ТИАнинг кечишини оғирлаштирадиган ва ТИА билан хасталанган беморларда ИИ ривожланишига ҳисса қўшадиган соматик касалликлар муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг кузатувларимизда ТИА ва ИИда тез-тез учрайдиган коморбид касалликлар деярли барча беморларда мавжуд бўлган артериал гипертония (93,7% ва 100% мос равишда). Атеросклероз иккала гуруҳдаги беморларнинг ярмидан кўпида кузатилган (мос равишда 65% ва 58,2%). ТИА ва ИИ билан хасталанган беморларнинг деярли учдан бирида юрак томирлари касаллиги бўлган (22% ва 11%). Бундан ташқари, ТИА ривожланишидан олдин беморларни даволаш бўйича мувофиқлик таҳлиллари ўтказилди, шундан фақат 11 бемор (14,67%) мунтазам гипертонияга қарши дори-дармонларни қабул қилди, атеросклероз

билан хасталанган атиги 6 бемор (11.53%) липидни пасайтирувчи доривоситалар қабул қилган.

ИИнинг клиник кўриниши ҳар хил кўринишдаги ўчоқли ва умумий мия белгилардан иборат эди. Анамнезни ўрганишда ўтиб кетувчи бош мияда қон айланиш бузилиши ТИА шаклида сифатли ўзгаришларни аниқлади. Хусусан, ўтказилган ТИАдан кейин (n=27) ИИ касаллиги билан хасталанган беморларнинг 79,4 %да биз такрорий ТИА борлигини аниқладик, уларнинг 38,2%да (n=13) хуруж сони камроқ, аммо давомийлиги узайган деб тасдиқланди. Ушбу беморларда шу ўзгаришлар бош миянинг қон томирлари етишмовчилигининг кучайишини англатади.

Тадқиқот натижасида каротид ҳавзасида ТИА субъектив ўчоқли аломатлари полиморфизм билан ажралиб турди. Беморларнинг 48% (n=27) адабиётда *amavrosis fugas* деб ном олган бир кўзда ўтиб кетувчи кўрликни тасвирлашган. 26% ҳолатларда, бу ўтиб кетувчи гемипарез билан бирлашган. Ушбу клиник синдромнинг ривожланиши *orbital* артериянинг проксимал қисми тромбози туфайли юзага келади, бу эса гемисиндромнинг ривожланишига сабаб бўлади. Кейинги тез-тез учрайдиган ҳолатлар беморларнинг 44,64% да (n= 25) кузатилган афазия ёки дизартия туридаги нутқ бузилишлари эди. Кейинги ўринларда ўтиб кетувчи гемипарез ва монопарез мос равишда 37,5% ва 14,3% ни ташкил этди. Беморлар 8,93% ҳолларда ўтиб кетувчи амнезия қайд этдилди (n=5). 4 та беморда (7,14%) ютиш бузилиши, юз ассиметрияси ва юришнинг бузилишидан шикоят қилишди.

ТИАнинг қисқа муддатли (10 дақиқагача) давомийлиги билан атиги 6 нафар бемор бор эди, бироз кўпроқ - 23,14% (n= 13), ТИАнинг давомийлиги 1 соатгача бўлган ҳолатлар бўлган ва ТИАнинг хуружи 1 кунгача давом этган энг кўп кузатувлар - 66. % (n = 37). ТИАнинг давомийлиги асосан қуйидаги омиллар билан белгиланади: бошнинг асосий артерияларининг торайиш даражаси, парчаланиш ҳолатидаги атеросклеротик бляшкалар сони, артериал гипертензиянинг оғирлиги ва бош мия қон-томирлари тонусини авторегуляция ҳолати. ТИАнинг клиник кўриниши кўп жиҳатдан ушбу омилларга боғлиқ эди. Масалан, ўтиб кетувчи кўрлик 1 дақиқадан 1 кунгача давом этди ва ўтиб кетувчи гемипарез ўртача 2 соатдан кўп бўлмаган, нутқ бузилиши ҳам 1 соат ичида регрессияга учраган ва ўтиб кетувчи амнезия ёки монопарез каби аломатлар 1 соатдан ошмаган. Бизнинг фикримизча, клиник симптомларнинг полиморфизми бош миянинг қон оқимининг ҳолатини билвосита кўрсатиши мумкин ва ТИАдан кейин ИИ ривожланишининг прогностик мезони бўлиб хизмат қилиши мумкин, биз кейинги кузатувларда қайд этганмиз. Юқорида тавсифланган аломатлар ТИА хуружининг каротид ҳавзасига хос эди.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, юқори систолик қон босими ўтиб кетувчи ишемия давомийлигига таъсир кўрсатди. Кўриниб турибдики, артериал гипертензия борлиги ТИА давомийлигининг ошишига олиб келди.

Систолик қон босими 140 ва ундан юқори бўлган ҳолатда ТИА кўпинча 1 соатдан бир кунгача давом этади. Бу ўтиб кетувчи бош мия ишемиясининг иккиламчи механизми билан боғлиқ. Биринчидан, бу майда бош мия томирларининг тромбоземболияси, иккинчидан, бу гипертензия сабабли доимий бош мия томирларининг вазоконстрикцияси бўлиб, улар адабиётга мос келади.

Ўтиб кетувчи бош мия ишемияси турли хил клиник белгилар билан бирга намоён бўлади. Маълумки, ТИА клиник кўриниши ўчоқли ва умумий мия белгиларидан иборат. Бундан ташқари, ўтиб кетувчи ишемия, қоида тариқасида, умумий мия белгиларига нисбатан ўчоқли белгилар устунлиги билан кечади. Ўчоқли белгилар, асосан, ўтиб кетувчи ишемия содир бўлган қон томирининг локализацияси билан белгиланади. Таърифнинг қулайлиги учун биз барча ўчоқли белгиларни синдромлар гуруҳида аниқладик. Хусусан, бу когнитив бузилишлар, монокуляр кўрлик, пирамида синдроми, нуткнинг бузилиши, брахио-фасциал синдром ва сезги бузилишлар. Кўпинча (55,36%) ТИА билан хасталанган беморларда каротид бассейнда когнитив бузилишларга дуч келдик, бу хотиранинг пасайиши, фазода ва вақтдаги эътиборнинг изсизланишига олиб келди. Каротид ҳавзасидаги ТИА билан хасталанган беморларда кейинги кенг тарқалган (44,64%) монокуляр кўрлик бўлиб, бу кўришнинг пасайиши ёки артериянинг тўлиқ стенози томонида кўришнинг тўлиқ йўқотилиши билан бирга келади. Беморларнинг 25% баъзида ёрқин қуёш нури ёки порлаши билан қўзғатилган пардалар ёки парчалар кўриш ҳисси ҳақида шикоят қиладилар.

12 нафар беморда (21,43%) биз гипестезия ва парестезия шаклида сезги бузилишларни аниқладик. 9 та ҳолатда (16,07%) қўлнинг монопарези билан ўтиб кетувчи брахио-фасциал парез ва ишемия жойига қарама-қарши томонда юз нервининг марказий парези мавжудлиги аниқланди.

ТИАнинг клиник кўринишини ўрганиш муайян қийинчиликлар билан боғлиқ. Биринчидан, ташхиснинг қўйилиши катамнезга асосланган. Иккинчидан, ТИА ва синкопал ҳолатларни қиёсий ташхис қилишда кўпинча қийинчиликлар пайдо бўлади. ТИА фойдасига муҳим ташхислаш мезон тизимли қон томир касаллиги, ўтиб кетувчи бузилишларнинг қон томир этиологиясини тасдиқловчи инструментал тадқиқотлар маълумотлари ва мияда органик шикастланишни ёки сурункали мия ишемиясини кўрсатадиган ўчоқли белгиларнинг мавжудлиги. Шу муносабат билан, вертебробазилар ҳавзасида ТИАнинг клиник кўринишини аниқлаш учун биз 24 ТИА билан хасталанган беморларда хуружнинг клиник хусусиятларини ўрганиб чиқдик. Коморбид ҳолатларнинг асосий қисми: артериал гипертензия (87,5%), бош мия атеросклерози (50% ҳолларда), шунингдек умуртқанинг бўйин қисми остеохондрози 37,5% ҳолатда учраган.

Агар ТИА каротид ҳавзасида монокуляр кўрлик синдроми мажбурий бўлса, у ҳолда вертебро-базилляр синдромида 100% ҳолларда бош айланиши синдроми кузатилган, бу кўп ҳолларда табиатан тизимли бўлмаган. Кейинги

энг тез-тез учрайдиган мяча-дискординатор синдроми (83,3%) эди, бу кўпинча юриш пайтида гандираклаш, атаксия ва координатор бузилиш билан намоён бўлди. Бундан ташқари, 37,5% ҳолларда (n = 9) булбар синдроми кузатилди, бу ҳолат дизартия ва дисфагия билан намоён бўлди.

Бизнинг тадқиқотларимиз ТИАда клиник кўринишни полиморфизмини кўрсатди. ТИАнинг клиник ва анамнестик хусусиятларининг таҳлили уларнинг бир қатор омилларга боғлиқлигини аниқлади. Хусусан, булар этиологик омиллар, ўчоқли белгиларнинг ўтиб кетувчи ишемия юзага келган қон томир хавзасига боғлиқлиги, нафақат симптомларнинг полиморфизмини, балки ТИАнинг давомийлигини аниқлайдиган систолик қон босими даражаси. Бундан ташқари, биз каротид хавзасида ТИАнинг ўртача давомийлигини аниқладик, бу ўртача 6 ойда 1 мартагача ва хуруж 1 соатдан 1 суткагача давомийлиги кузатилди. ТИА клиник кўринишида қон томир хавзасига қараб, монокуляр кўрлик синдроми, каротид хавзасидаги ТИА характеристикаси ёки ВБХ-даги ТИАга хос бўлган бош айланиши синдроми устунлик қилади. Агар каротид хавзасидаги ТИА этиологик омиллари кўпинча артериал гипертензия ва бош мия атеросклерозининг комбинацияси бўлса, унда ВБХ ТИА бўлган беморларда юқорида қайд этилган касалликларга қўшимча равишда умуртқа бўйин қисми остеохондрозини ҳам қайд этдик.

Неврологик белгилардан кўп учрагани гемисиндром ва нутқ бузилишлари (91,18% ва 88,24% ҳолатлар). Нутқ бузилишлари орасида биз мотор афазияни 26,9 ТИАдан кейин ИИ нинг клиник ва анамнестик хусусиятларини ўрганиш учун биз анамнезда ТИА билан хасталанган 34 беморни кўриқдан ўтказдик. Таъкидлаш жоизки, биз аниқлаган инсультлар кўпроқ каротид хавзасида кузатилди.

Ўтказилган ТИАдан кейин ИИ нинг анамнестик хусусиятларини ўрганаётганда, биз қуйидагиларга эътибор қаратдик. ТИА клиник кўриниши, давомийлиги ишемик инсультнинг эҳтимоллиги ва жиддийлигини аниқлайди. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, инсультга чалинган барча беморларда каротид ва вертебро-базилляр хавзасида ТИА хуружлари бор эди. ТИАдан сўнг ишемик инсультлар ҳолати бўйича анамнестик маълумотлар таҳлили ўткир бош мия қон айланишни ўткир бузилиши ривожланишида ҳам, қон томир фалокати хавзасида ҳам фарқларни аниқлади. Беморларда анамнезда ТИА хуружларини мавжудлиги 1 йилдан 5 йилгача кузатилди.

Бизнинг маълумотларга кўра, кўпинча ИИ чап каротид хавзасида ривожланган (55,82%). ТИАдан кейин ИИни бошдан кечирган беморларнинг субъектив аломатларининг таҳлили, оёқ-қўллардаги умумий заифлик ва заифлик шикоятларининг кўпайишини кўрсатди (мос равишда 94,12% ва 91,18%). Беморларнинг 80 фоизга яқини бош айланиши (тизимли бўлмаган), қон босими кўтарилиши ва бош оғриғидан шикоят қилмоқда. Кейинги энг тез-тез учрайдиган сезги ва когнитив бузилишлар (мос равишда 55,88% ва

8,82%). ИИ локализациясига кўра, улар ТИА билан бир хил ҳавзада содир бўлган. Бизнинг кузатишларимизда ТИА ва ундан кейинги ИИ орасида ўртача давр 2,4 йилни ташкил этди. Иккинчиси ИИ олдини олишда катта аҳамиятга эга, яъни айнан шу даврда ТИАни бошдан кечирган беморларни неврологлар диққат билан кузатиб боришлари керак, бу эса ИИ ривожланиш хавфини камайтиради.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ИИ касаллиги ТИАдан 2-3 йил сўнг ривожланади. Касалликнинг энг кам фоизи (11,76%) ТИАдан кейин 1 йил давомида содир бўлади. ИИнинг 58,82% ҳолатларда касалликнинг ривожланган хавзаси 88,32% беморларда ТИА ривожланган хавза билан тўғри келади.

Субъектив шикоятлар ичида энг кўп учрайдиган (тахминан 90%) оёқ ва қўллардаги заифлик шикоятлари. Бошқа шикоятлардан бу нутқ ва сезги бузилиши, бош айланиши ва бош оғриғи, хотиранинг пасайиши каби беморлар томонидан кўрсатилди. Кузатишларимизда ўчоқли неврологик белги сенсор афазияни (15,3%) қайд этдик, аммо энг кўп учрайдиган ҳолатлар аралаш ёки тўлиқ афазия (57,7%) учраган.

ТИА ва ТИАдан кейин содир бўлган ИИни қон-томир хавзасини мутаносиблиги бош мияда қон айланиш бузилишини атеротромботик ёки эмболик механизмини далолати бўлиб, қоннинг реологик кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган инсультни бирламчи олдини олиш чораларини кўриш зарурлигини кўрсатади.

Когнитив нуқсон ММСЕ шкаласи ёрдамида баҳоланди ва натижалари 1 жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Когнитив бузилишлар таркиби

Бузилиш даражаси	когнитив бузилишлар йўқ	енгил когнитив бузилиш	ўртача когнитив бузилиш	енгил даражадаги деменция	ўрта даражада деменция	оғир даражадаги деменция
ТИХ ВБХ (n=24)	4 (16,7%)	8 (33,3%)	7 (29,2%)	4 (16,7%)	1 (4,2%)	
ТИА Каротид (n=56)	10 (17,9%)	14 (25,0%)	13 (23,2%)	11 (19,6%)	8 (14,3%)	
ИИ (n=34)		4 (11,8%)	13 (38,2%)	8 (23,5%)	7 (20,6%)	2 (5,9%)
Жами	14 (12,2%)	26 (22,8%)	33 (28,9%)	23 (20,2%)	16(14,1%)	2 (1,8%)

1-жадвалдан кўриниб турибдики, беморларда ўртача даражада когнитив бузилишлар мавжуд. Бу ҳолат ТИАдан кейин ИИ кечирган беморлар гуруҳида сақланиб қолса, унда енгил когнитив бузилишлар ТИА

билан хасталанган беморлар гуруҳида кўпроқ учрайди. ТИАдан кейин ИИ кечирган барча беморларда когнитив бузилишлар кузатилган, ТИА гуруҳидаги 14 беморда (мос равишда ВБХ ва КХда 17% ва 18%), когнитив бузилишлар топилмади. ТИА билан хасталанган беморлар гуруҳида оғир деменция ҳолатлари кузатилмаган, аммо ИИ билан 2 та беморда (1,8%) аниқланди. ТИА билан оғриган беморларга қараганда енгил ва ўртача оғирликдаги деменция ТИАдан кейин ИИ кечирган беморларда кўпроқ учрайди. Шу билан бирга, каротид хавзада ТИА бўлган беморларда енгил ва ўртача даражадаги деменция ҳолатлари ВБХдаги локализация билан ТИА ҳолатларига қараганда тез-тез учрайди (мос равишда 16,7% ва 4,2% га нисбатан 19,6% ва 14,3%). Шундай қилиб, кучли когнитив бузилиш ТИАдан кейин ИИ кечирган беморлар гуруҳида аниқланди. Шу билан бирга, ТИА билан хасталанган беморлар гуруҳлари ўртасидаги фарқ шуни кўрсатдики, каротид хавзадаги ТИА бўлган беморларда когнитив танқислик ВБХдаги ТИА билан касалланганларга нисбатан устунлик қилади.

Диссертациянинг «**Транзитор ишемик атакалар ва ТИАдан кейин ривожланган инсультларнинг параклиник хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида бош мия қон оқимининг ҳолатини ва барча турдаги бирлаштирилган патологияни аниқлаш учун биз брахиоцефал артерияларнинг ультратовушли доплерографиясини (УЗДГ БЦС) ва мия артерияларининг транскраниал доплерографиясини (ТКДГ) қўлладик.

45 ёшдан 80 ёшгача бўлган 72 бемор (45 эркак ва 27 аёл) транскраниал доплерография ёрдамида бошнинг интракраниал артерияларнинг гемодинамикаси ўрганилди (ўртача ёши $62,3 \pm 5,1$). Текшириш гуруҳи (12 та бемор) эрта тикланиш даврида ишемик инсультга чалинган бир хил ёшдаги беморлардан иборат эди. Таъкидлаш жоизки, инсультнинг барча ҳолатлари икки ёки ундан ортиқ ТИА хуружлари беморлар анамнезида кузатилган. ТИАнинг этиологик омиллари куйидагилардан иборат эди: бош мия томирлар атеросклерози 70,8% (51 бемор) ва бирлашган атеросклероз ва артериал гипертония 29,2% (21 бемор). Бизнинг кузатишларимиздаги беморларда назоратсиз артериал гипертонияда қон босими $170 \pm 6,4$ мм сим.уст. бўлган ва 220 мм сим.уст.дан юқори систолик қон босимининг тез-тез кўтарилиши, бу бош мия қон айланиши етишмовчилигини янада кучайтирди.

Резистив томирларнинг гипо ва гипертонуси фонида ауторегуляция параметрларининг ўзгаришини баҳолаш учун гипер - ва гипокапник юк шароитида дам олиш ҳолатида тадқиқотлар ўтказилди, улар 7% карбогенли ингаляция ва гипервентиляцияни мос равишда моделлаштирилди, 2-3 дақиқа давомида. Олинган маълумотлар статистик жиҳатдан қайта ишланди. Биз ТИА билан хасталанган беморларни ишемик хуружлар сонига қараб 2 гуруҳга ажратдик: I гуруҳга (32 бемор) ТИА 6 ойда 1 марта, II гуруҳ (18 бемор) ойда 1 марта ТИА хуружи билан. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бош мия гемодинамикаси ва томирларининг реактивлиги эрта

тикланиш даврида ишемик инсультга чалинган беморларнинг (12 бемор) кўрсаткичлари билан таққосланди. Интракранияли томирлар учун чизикли қон оқимининг тезлиги индексларини таҳлил қилиш ишемик инсульт билан оғриган беморларнинг гуруҳига нисбатан ҳар 6 ойда бир марта ТИА частотаси бўлган беморларда сезиларли фарқларни кўрсатди. Ўткир бош мия ишемик хуружлари кўпроқ (ойига 1 марта) бўлган беморларда инсульт билан оғриган беморларнинг кўрсаткичларига яқинроқ бўлган. Бизнинг тахминимизга асосланиб, ушбу гуруҳ беморларида инсульт хавфи юқори деб тахмин қиламиз. Бизнинг фикримизча, бу нафақат бош мия гемодинамикасининг декомпенсациясининг жиддийлиги ва компенсатор қон айланишни сусайиши, балки бош мия қон айланишининг ауторегуляция механизмларининг сусайиши билан боғлиқдир.

Вазомотор реактивлик кўрсаткичларининг таҳлили, I гуруҳдаги беморларнинг ИИ га чалинган беморларга нисбатан сезиларли фарқларни кўрсатди. Иккинчи гуруҳдаги беморларда ушбу кўрсаткичларнинг тафовути ИИга чалинган беморлар билан таққосланмади. Шунини таъкидлаш керакки, ҳар учала гуруҳда вазомотор реактивлик коэффициентдаги энг кичик фарқлар базиляр ҳавзасида (асосий артерия) бўлган. Бу, бизнинг фикримизча, ушбу қон томир ҳавзасининг ТИАга нисбатан катта сезгирлигини (мойиллигини) кўрсатади ва вертебро-базиляр ҳавзасида вақтинчалик ишемиянинг юқори тарқалишини тушунтиради. Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ТИА клиник кўриниши асосан бош мия гемодинамикасининг ҳолати билан белгиланади. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, ТИАнинг клиник кўриниши бу кўрсаткичга, шунингдек қон томир ҳавзасига боғлиқ.

Интракраниал томирлар учун чизикли қон оқимининг тезлиги индексларини таҳлил қилиш, ишемик инсульт билан оғриган беморларнинг гуруҳига нисбатан, 6 ой ичида ТИА сони 1 марта бўлган беморларда сезиларли фарқларни аниқлади. Беморларда ТИА хуружи сони ойига 1 мартадан кўпроқ бўлганда бу кўрсаткичлар инсульт билан оғриган беморларнинг кўрсаткичларига яқинроқ бўлган. Шунга асосланиб, биз ушбу бемор гуруҳида инсульт хавфи юқори эканлигини тахмин қиламиз. Бу бош мия гемодинамикасининг декомпенсациясининг оғирлиги ва компенсатор қон айланишни сусайиши билан боғлиқ бўлиб, бу миянинг вазомотор реактивлиги ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқотларда ўз тасдиқини топган.

Иккинчи гуруҳдаги беморларда вазомотор реактивлик кўрсаткичлари инсультга чалинган беморларга нисбатан сезиларли даражада фарқ қилмади. Шунини таъкидлаш керакки, барча таққосланган гуруҳлардаги вазомотор реактивлик коэффициентдаги энг кичик фарқлар вертебро-базиляр ҳавзасида бўлган. Бу, бизнинг фикримизча, ушбу қон томир ҳавзасининг ТИАга нисбатан сезувчанлигини (мойиллигини) кўрсатади ва вертебро-базиляр ҳавзасида тез-тез учрайдиган бош мия ишемиясини тушунтиради. Бундан ташқари, ушбу кўрсаткичнинг пасайиши ўткир мия-қон томир

бузилиши ҳалокати хавфи мавжудлигини кўрсатиши мумкин, бу ишемик инсульт ва унинг эрта ташхислашда ушбу усулнинг муҳим прогностик аҳамиятига эғалигини кўрсаткичидир.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, ТИА ҳужумларнинг оғирлиги ва хилма-хиллиги, шунингдек уларнинг сони, кейинги ишемик инсультнинг юқори эҳтимоллигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, бош мия гемодинамикаси билан боғлиқ. Шундай қилиб, Допплерографик тадқиқотлар натижасида аниқланган ТИА билан оғриган беморларда бош миядаги қон оқимининг пасайиши, ишемик инсульт билан оғриган беморларга унинг ривожланиши хавфини туғдиради. Бундан ташқари, бизнинг тадқиқотларимиз ТИАдан кейин инсультни ривожланишида кўрсатганидек, бош мия қон оқимининг ауторегуляцияси ҳолати катта аҳамиятга эга, унинг кўрсаткичлари юқори сонли ТИА ҳужумларида ҳам инсульт билан касалланган беморларнинг кўрсаткичларига яқинлашди. Бизнинг фикримизча, бош мия гемодинамикасининг хусусиятларида муҳимлиги шундаки, инсульт гуруҳининг гемодинамик параметрларига энг яқин бўлганлар вертебро-базилляр ҳавзасида қон оқими бўлиб, бу қон томир ҳавзасининг ўтиб кетувчи ишемияга мойиллигини тасдиқлайди, бу ТИА синдромининг клиник кўринишда бош айланиши ёки мияча бузилиши синдромини устун бўлишига олиб келади.

Биз ТИА (40 нафар) - I гуруҳ билан, ТИА дан кейин ИИ кечирган (30 нафар) - II гуруҳ, беморларда ЭДнинг ҳолатини ўргандик. Назорат гуруҳи қон зардобидида патологик ўзгаришсиз, таққосланадиган ёши ва жинси бир хил бўлган 20 нафар кишидан иборат эди.

NO даражаси асосий метаболитларнинг (NO₂ ва NO₃), эндотелиал NO синтазасининг (eNOS) фаоллиги, нитратредуктаза (НР) ва пероксинитрит (ONOO) нинг фаоллиги билан аниқланди.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, қон зардобидида I гуруҳда 26,6% га, II гуруҳ беморларида эса назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан 22,5% га юқори. Эндотелиал eNOS фаоллиги I гуруҳдаги 28,2% га ва II гуруҳ беморларида 21,6% га камайди, нитратредуктаза (НР) миқдори I гуруҳ беморларида 62,1% га ва II гуруҳ беморларда 31,1% га ошди.

Ушбу тенденция пероксинитрит таркибининг таҳлили шуни кўрсатдики (ONOO), бу ўз навбатида I гуруҳ беморларида $3,64 \pm 0,13$ нмол / мл га ва II гуруҳ беморларида $3,03 \pm 0,13$ нмол/мл га тенг, бу назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада ошди. Бизнинг фикримизча, бу биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларида ЭД белгилари мавжудлигидан далолат беради, ТИАдан кейин ИИ билан оғриган беморларда бу даража бироз пастроқ эди. Шу муносабат билан, ТИА патогенезида ЭДнинг ўрнини аниқлаш учун биз ТИАнинг сонига қараб ТИА бўлган беморларнинг гуруҳида NO метаболизм кўрсаткичларини таҳлил қилдик.

Кузатувларимизда азот оксиди метаболизмининг таҳлили назорат гуруҳи билан солиштириганда фарқларни аниқлади, аммо беморлар

